Жаҳон тажрибаси ўзимизники

БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро комиссияси экспертлари Жамол Беномар ва Питер Эдвин Жил Хоксинг ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидовлар самарқандлик ҳуқуқшунослар билан яқиндан мулоқотда бўлдилар.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасида имзоланган «Ўзбекистонни демократлаштириш ва бошқарувни такомиллаштириш» дастурининг биринчи босқичи якунлари хусусида қизғин сўз юритилди. Вилоятда аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинаётган ишлар ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида маълумотлар эшитилди. Жаҳон тажрибасини ўзлаштириш амалий чора-тадбирлари белгиланди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Миннатдорлик мактуби

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовга

Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Куни кеча менга «Эл-юрт ҳурмати» орденининг берилиши тўғрисидаги Сиз имзо чеккан Фармон мени анча яшартириб юборди, десам, муболаға бўлмайди. Биз, бугунги кунда етмиш ёшни қоралаган авлод вакиллари ўз ҳаётимизда турли сиёсатларнинг, турли даврларнинг ва турли тузумларнинг гувоҳи бўлганмиз. Лекин комил иймон билан айтишим лозимки, бугунгидай сиёсат, бугунгидай одил ва инсонпарвар жамиятга хизмат қилиш ва бу арзимас хизматингнинг юксак қадрланишини бундан саккиз йилнинг нарёғида фақат туш кўриш мумкин эди, холос.

Жаҳонда қудратли, энг адолатпарвар, келажаги буюк давлат қуриш қисмати насиб этган Сизга бу шарафли йўлда кечаю-кундуз ҳамқадам, ҳамнафас ва тилакдош бўлиш биз – қорақалпоқ шоирлари-ёзувчилари, санъаткорлари, хуллас, барча қорақалпоқ халқи учун энг олий ниятдир.

Сизга чексиз ҳурмат билан:

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Хирмонга барака инди

Баҳор бошидаги кутилмаган совуқлар туфайли тут баргларининг деярли 50 фоизи нобуд бўлган чоғлар пиллакорлар қаттиқ ташвишга тушгандилар. Аммо, чинакам меҳнат, билимдонлик билан қилинган парвариш натижасида Фарғона вилояти пиллакорлари кўзланган маррага эришдилар. 48 минг қути қурт уруғидан 2 минг 600 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси ёки ҳар қути ипак қурти уруғидан ўртача 52 килограммдан ҳосил олинди. Бунда айниқса, Бувайда, Учкўприк, Фурқат, Ёзёвон каби қатор туман пиллакорларининг ҳиссаси катта бўлди. Фарғонада пилла терими давом этмоқда. Омборларга яна 250 тоннадан зиёд пилла етказиб бериш мўлжалланган.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1999 йил 29 май, шанба • № 62 (2452). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Оқсарой қароргоҳида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 май куни Оқсарой қароргоҳида Қозоғистон Бош вазири Нурлан Балгимбаевни қабул қилди.

Учрашувда асосий эътибор ўзаро ҳамкорлик бўйича икки мамлакат ўртасида тузилган ҳукуматлараро комиссия фаолиятига қаратилди. Президент Ислом Каримов мазкур комиссиянинг шу кунларда Тошкентда бўлган йиғилиши натижалари тез орада самара кўрсатишига умид билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари, икки давлатнинг турли соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларига доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосари Б.Олимжонов, ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси У. Ўзбеков ҳозир бўлди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ҳужжатлар имзоланди

Ўзаро ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Қозоғистон ҳукуматлараро комиссиянинг мажлиси 28 май куни ўз ишини якунлади.

Икки мамлакат Бош вазирлари раҳбарлигидаги расмий делегациялар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида транспорт коммуникацияси, божхона, энергетика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир масалаларни муҳокама қилди. Музокараларда ўзаро алоқалар ривожига халал бераётган муаммолар таҳлил этилиб, уларнинг ечимини топиш борасида фикрлашиб олинди.

Анжуман якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Жумладан, автомобиль йўлларининг айрим бўлакларидан фойдаланганлик тўғрисида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 1998 йилнинг 27 мартида қабул қилинган битимга қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида элчихоналар фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўзаро тартибга солиш тўғрисидаги Битим ва ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов ҳамда Қозоғистон Бош вазири Н.Балгимбаев имзолади.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги Фармонини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1.Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастури Концепцияси ва уни амалга оширишга доир тадбирлар маъқуллансин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, спорт федерациялари, клублари, жамиятлари, ҳомийлар, хорижий инвесторлар маблағлари, шунингдек спорт ташкилотлари томонидан аҳолига пулли хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбалари ҳисобланади.

2.Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари билан биргаликда бир ой муддатда:

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

ҳар бир туманда қишлоқ спорт-соғломлаштириш клублари ташкил этсинлар, уларнинг фаолиятига спортнинг оммавий, миллий турларини ва халқ ўйинларини кенг жорий қилсинлар;

аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий-спорт ишларига кенг жалб этишга йўналтирилган мунтазам оммавий-спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказиш тизимини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

мамлакат ҳудудидаги барча мавжуд спорт иншоотларини, уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, хатловдан ўтказсинлар, шунингдек, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, оммавий мусобақаларни мунтазам ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар;

аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи махсус тестларни ишлаб чиқсинлар ва жорий қилсинлар.Мазкур тестларни муваффақиятли топширганлар учун уч даражали «Алпомиш» ва «Барчиной» нишонларини таъсис этсинлар.

3.Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда, спорт-соғломлаштириш клублари тўғрисидаги намунавий низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, спорт-соғломлаштириш клублари, жамоат ташкилотлари сифатида, ўз фаолиятини муассисларнинг улушли маблағлари, аъзолик бадаллари, ҳомийлар маблағлари ва қонунчиликка зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширадилар.

4.Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

бир ой муддатда Адлия вазирлиги билан биргаликда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда пойтахтда Республика боксни ривожлантириш марказини ташкил қилиш бўйича икки ой муддатда;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Тошкент отчопари негизида Республика миллий спорт турларини ривожлантириш марказини ташкил қилиш бўйича икки ой муддатда;

умумхалқ «Спорт байрами»ни таъсис этиш тўғрисида ўн кун муддатда таклифлар киритсин.

5.Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили ишлаб чиқиладиган инвестиция дастурларида Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишга маблағлар лимитларини назарда тутсинлар.

6.Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни, ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларининг спорт клублари, спорт мактаблари, мутахассислар ва мураббийлар фаолиятини ёритишни таъминласинлар.

7.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 27 май

Инсонпарварлик – юксак маънавият мезони

Ҳадемай, тарихимизнинг муҳим бурилиш нуқтаси — Президент Ислом Каримов давлатимиз мустақиллигини эълон қилган кунга 8 йил тўлади. Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз оёққа турди, миллий давлатчилигимиз тикланди, иқтисодий салоҳиятимиз, халқимизнинг маънавий қудрати рўёбга чиқди. Энг муҳими нафақат ҳаётий қарашларимиз, тафаккуримиз, балки ўзимиз ҳам ўзгардик. Тўғрироғи, ҳаётнинг аччиқ-чучук ҳақиқатлари бизни ўзгартирди: оқ-қорани танийдиган, яхши-ёмон воқеа ва ҳодисалардан сабоқ чиқарадиган бўлиб қолдик.

Ҳақиқат таққосларда намоён бўлади, деган гап бор. Яқин орада рўй берган айрим воқеаларни шу нуқтаи назардан таҳлил этиш, хулоса ва сабоқлар чиқариш жоиз туюлади. Шунда кимнинг кимлиги яққол кўринади.

Янги тарихимизга назар ташласак, йўлбошчимиз раҳнамолигида амалга оширилган сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар, маънавиятни юксалтириш борасидаги барча ишларнинг замирида инсонпарварлик сиёсати ётганини кўрамиз. Зеро, инсонпарварлик — теран маънавият мезонидир.

Юртимиздаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш, катта-катта иншоотлар қурилиши, сув ва газ билан таъминлаш, галла ва нефть мустақиллигига эришиш каби одамларнинг оғирини енгил қиладиган оламшумул ишлар ҳақида айтиб ўтирмайлик.

Бу ишларнинг кўлами ва уларга ким бош-қош бўлиб турганини халқимиз яхши билади. Кейинги бирикки мисолгагина мурожаат қилайлик.

Президентимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилди. Уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини кўтариш мақсадида махсус дастур қабул қилинди. Уни амалга ошириш учун 50 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланадиган бўлди. Шунинг ўзи ҳам инсонпарварликнинг бир кўриниши эмасми?

Шундай пайтда, диёримиздаги тинчлик ва осойишталикни кўролмайдиган қабиҳ ниятли кимсалар нима қилдилар? Халқимиз ҳаётига раҳна солиш, давлатимиз раҳбарига суиқасд қилиш мақсадида 16 февраль фожиаларини уюштирдилар. Оқибатда қанча бегуноҳ одамларнинг қони тўкилди. Оналар, аёллар, болалар кўзи ёшга тўлди...

Йўлбошчимиз ташаббуси билан Хотира ва Қадрлаш куни эълон қилинди. Одамни илоҳий бир сукутга чулғайдиган, ўтганларни эсга соладиган Хотира майдони барпо этилди. Бу маънавияти теран халқимизнинг инсоннинг иккинчи умри — доимо яқинлари қалбида, хотирасида яшайдиган ҳаётини ҳам қадрлашидан далолатдир. Жанггоҳларда қурбон бўлган ҳамюртларимизнинг азиз номлари «Хотира китоби»га мангу муҳр этилгани-чи?

Айниқса, мустамлакачилик йилларида халқимиз озодлиги ва миллий тараққиёт учун курашиб қурбон бўлган, турли тазйиқ ва таъқибларга дучор қилинган ватандошларимизнинг номини тиклаш, шаънини улуғлаш борасидаги ама-

(Давоми 2-бетда)

Ислоҳот ва масъулият

Хусусийлаштиришдан ким манфаатдор?

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорларини бажариш юзасидан жавобгарликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Бозор муносабатларига ўтишда бениҳоя муҳим аҳамият касб этувчи иш жабҳалари – хусусийлаштириш, инвестициялар киритиш ва давлат бюджетига маблағ тушумини оширишга қаратилган мазкур ҳужжатда кечиктириб бўлмайдиган вазифалар кўрсатилган.

Эгалик туйғуси — энг кучли рағбат

Одам боласи ақлини танибдики, унинг тафаккурида мол-мулкка бўлган эгалик ҳис-туйғуси яшаб келади. Зотан, ҳар бир инсон ўз тасарруфида бўлган мулкни кўз қорачиғидай авайлайди, ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Чунки ўзини мулкдор, мулк эгаси, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсондаги яшириниган куч-ғайратни юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, яратувчилик қудратини намоён этади, янада ташаббускор ва омилкор қилади.

Мустақилликнинг илк даври бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни билан бир вақтга тўғри келди. Амалда аввалари умумхалқ мулки деб аталган, аслида эса давлатники ҳисобланган мол-мулк истиқлол туфайли ҳақиқий эгаларига берилди.

Олдимизда хусусийлаштириш нечта босқичда, қанақа механизмлар орқали амалга оширилишини белгилаш вазифаси турарди. Бу масалада ҳам бош ислоҳотчи – давлат миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб одилона сиёсат юритди. Ислоҳотларнинг илк босқичида биринчи навбатда уй-жой, маҳаллий саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари хусусийлаштирилиб, кейинчалик йирик корхоналарни очиқ акциядорлик жамиятлари шаклига айлантириш ҳамда уларнинг қимматли қоғозларини муомалага чиқариш орқали кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорининг кенг тусда ривожланишига эришилди. Кейинги босқичда эса саноатнинг базавий тармоқларида корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни амалга оширила борди.

Хусусийлаштириш жараёнида – янги босқич

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорлари моҳияти жиҳатидан амалга оширилаётган ислоҳотларга **янги босқич сифатида** кирди. Гап шундаки, биринчи қарорга мувофиқ иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини якка тартибда хусусийлаштириш, акциядорлик жамиятлари акциялари пакетининг бир қисмини биржа ва биржадан ташқари бозорларда хорижий инвесторларга сотиш, барқарор харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга, уларнинг тўлиқ мулки қилиб сотиш йўли билан хорижий сармояларни жалб этиш соҳаларини кенгайтириш назарда тутилган бўлса, *унинг мантиқий давоми сифатида* иккинчи қарор, яъни хусусийлаштириш кўламларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, давлат мулкини сотишдан давлат бюджетига маблағлар тушумини кўпайтириш, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш мақсадини кўзлайди.

Маълумки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, ўтказилаётган ислоҳотлар тезкор аралашувни ва мунтазам янгиланишни талаб қилади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида барча бўғинларда инвестицион фаолиятнинг ривожланишига тўсиқ бўлувчи омиллар кўрсатиб ўтилган ва давлат тизимлари олдида инвестицион жараённинг бундан буён самарали ривожланишини таъминлаш бўйича аниқ масалалар қўйилган. Тўсиқ бўладиган сабаблардан бири – бу хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг аҳволи технологик ва молиявий жиҳатдан қониқарсиз эканлигидир.

Мазкур қарорда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотларни структуравий қайта ташкил қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилган. Шу билан бирга корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш бугунги кунда бюджетни маблағ билан таъминлаш шаклида амалга оширилиши орқали бу маблағларнинг 25 фоизи ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва техник қайта қуроллантириш мақсадида корхоналар ихтиёрида қолдириш, уларнинг ички фондларини кенгайтириб, хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш ва кенгайтириш имконини берса, 15 фоизи ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш, бозор инфратузилмаларини ривожлантиришга; 2 фоизи – хусусийлаштиришни амалга оширувчи идораларга, 3 фоизи – Давлат мулк қўмитасига ва 15 фоизи – хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фондига берилиши ислоҳотларнинг тезлашувидан далолат беради.

Муаммо: сабаб ва ечим

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, чет эл сармояси жаҳон андозаларига мос келувчи корхоналарга кўпроқ ётқизилади. Чунки ҳеч ким ўз сармоясини эски технология ҳукм сураётган жойга беҳуда сарфламайди. Маҳаллий тадбиркорлик тизими учун эса қайта мослаштиришдан кўра, маблағларни тезда қайтариб олиш мақсадида самарали ишлаб чиқаришга қўйиш маъқулроқдир.

Очиғини айтиш керак, хорижий инвесторлар ҳамиша ҳам корхоналаримизга ўз сармоясини қўйишга ошиқаётганлари йўқ. Бунинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бор. *Биринчидан*, чет эллик инвесторлар давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг бугунги кундаги моддий ва техник-технологик ҳолати, улардаги ишчи-ходимларнинг малакавий таркиби, темир йўл ва аэропортдан қанчалик узоқ (яқинлиги), экологик жиҳатдан жойлашган ўрни ва ҳоказолар тўғрисида аниқ ва тўлиқ, янги маълумотларга эга эмас; *иккинчидан*, республикадаги мавжуд барча салоҳият ва ички имкониятларни етарлича реклама қилолмаяпмиз; *учинчидан*, мазкур соҳа йўналишида тўрачилик ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида, хорижий инвесторларнинг руҳиятига салбий таъсир этмай иложи йўқ, *тўртинчидан*, балким энг муҳими, ушбу соҳа йўналишидаги баъзи раҳбарлар бу масалалар моҳиятини тўла англаб етишмаяпти. Ахир, бу ўринда гап *Ўзбекистонни хомашё экспорт қилувчидан, тайёр, харидоргир маҳсулотларни экспорт қиладиган мамлакатга айлантириш ҳақида кетмоқда.*

Энди ўйлаб кўрайлик, Ўзбекистон экспорти номенклатураси 1998 йилда 300 га яқин номни ўз ичига олди. Ривожланган мамлакатлар билан солиштирилганда бу жуда кам. Маълумки, республика экспортининг салмоқли қисмини пахта толаси ва энергия ресурслари ташкил этади. Бу эса, ҳозирги босқичда республика миллий иқтисодиёти жаҳон хўжалигининг энг кам истиқболли бозори – хомашё бозорига боғлиқлигидан далолат беради.

Савол туғилади: фақат хомашё экспорт қилишга умид боғлаш мумкинми? Келинг, яхшиси, буни республикамиз ички ва ташқи ривожланишига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омилларни кўриб чиқайлик.

Бой хомашё ресурсларига эга бўлган мамлакат муайян устунликларга эга, чунончи, хомашёни жаҳон бозорида сотишдан тушган экспорт тушуми жорий операциялар бўйича балансга ижобий таъсир кўрсатиб, ташқи қарз олинмасдан импорт маҳсулот сотиб олиш имконини беради. Бироқ хомашё экспорт қилувчи мамлакат кўп жиҳатдан жаҳон бозорида талаб ва таклиф ҳамда хомашёга бўлган нархлар даражасига боғланиб қолади.

Албатта, чет эл сармояси барча ривожланаётган мамлакатлар учун анча самарали ва жозибалидир. Барчамиз уларга ўз манфаатларимиздан келиб чиқиб ёндошамиз, лекин уларни қизиқтираётган омилларга баъзан жиддий эътибор қаратмагандаймиз. Бу хусусда гап юритар эканмиз, чет эл инвесторларини жалб қилишдаги муҳим омилларга тўхталиб ўтмоғимиз жоиз. Ҳар қандай хорижий инвестор, унчун ўз сармоясини бошқа мамлакатта қўйишда қўйидаги омиллар жуда муҳим. Булар: *сиёсий ва иқтисодий барқарорлик; давлат сиёсати; солиқ имтиёзлари; банк ва молия тизими; инфратузилма; жойлардаги ишбилармонлар муҳити; мамлакат турмуш тарзининг сифати; ишчи кучи масаласи (арзон-қимматлиги); назорат органларининг сони; хомашё заҳираси; бу тадбирдан улар оладиган улуш ва уларнинг фаолияти қанчалик кафолатланганлиги; давлат тизимидаги бюрократиянинг даражаси (кучли, кучсизлиги) ва ҳоказолар.*

Мамлакатимизда чет эл инвесторларини жалб қилиш борасида юқорида санаб ўтилган омилларнинг асосий қисми яратилган. Афсуски, қарорда кўрсатиб ўтилганидек, *«Хусусийлаштириш йўлида тўсиқ бўлаётган мураккаб буйруқбозлик аппарати... юқори даражадаги бир қатор раҳбарлар онгида эски андозалар ва ўзибўларчилик кайфияти каби объектив ва субъектив чекловчи омил»*лар ҳамкорлигимизга раҳна етказмоқда.

Маълумки, Ғарб дунёси қаттиқ интизом ва масъулият ҳисобига ривожланмоқда. Бизда ҳам ҳар хил, номига тадбир, йиғилишлар ўтказишга берилиб кетишдан сақланиб, аниқ масала юзасидан аниқ жавобгарликка ўтиш, сирасини айтганда, бозор иқтисодиёти қонунлари ва шартлари асосида ишлаш вақти етди.

Фақат шундагина мамлакатда ўз ишига виждонан ёндошадиган ва Ватан манфаатлари учун фойдали дастурларни амалга оширувчи фидокор кишилардан ташкил топган **ишчан муҳит** яратилади. Демак, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ.

Обиддин МАҲМУДОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Ёшлик шижоати

Ислом КАРИМОВ:

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.

Доно ва билимдон ўғил-қизларининг сафи кенг бўлмаган Ватан — толеи ярим Ватан. Бундай юртда ҳеч нимада бутлик бўлмайди. Қайсидир донишманднинг ушбу сўзлари кишини ўйга толдиради. Демак, барча туйғулар, ёшликнинг қудрати олдида, унинг гўзал, соф ғоялари олдида ўз қийматини йўқотади. Ёшлик илгари қадам ташлайди. У миллат келажагини белгилайди. Шоир Эркин Воҳидов айтганидек, «Ёшликдаги соатларнинг ишини кексаликнинг йиллари ҳам бажаролмайди». Бугун мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзуидаги тарихий маърузаларида ҳам бунга гувоҳ бўлиш мумкин. Бугун республикамиздаги барча ёшларимиз Президент томонидан олға сурилган, янги аср орзуси билан яшамоқдалар. Ёшлик шижоати, ғайрати уларга қанот бўлмоқда.

Алишер Тошмаматов Каттақўрғон туманидаги марказий шифохонанинг жарроҳлик бўлими мудири. Маҳоратли шифокор, зукко тадқиқотчи, ўз устида тинимсиз ишлайди, изланади. Унинг илмий оммабоп мақолалари қатор журнал ва газеталарда эълон қилиниб турилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Айниқса, Алишернинг Америкага сафар қилиши, у ердан бир дунё таассуротлар билан қайтиши, юртдошларининг олқишига сазовор бўлди.

Алишер мустақил республикамизда ўз фаолиятини 1995 йилда бошлаган БМТнинг «Туб ўзгаришлар давридаги бошқарув» дастури билан қизиқиб қолди. Бу дастурнинг асосий мақсади, бозор иқтисодиёти даврида ўзбек мутахассисларини давр талабига мос келадиган, билим савияларини кўтаришга қаратилган.

Алишер Тошмаматов олти ой давомида инглиз тилини ўрганди. Дастур раҳбарлари томонидан ташкил этилган тест синовларига, ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган суҳбатга жиддий тайёргарлик кўрди. Ва 1997 йил 15 майдан 15 ноябрга қадар БМТнинг юқоридаги дастури бўйича Америкага бориш йўлланмасини қўлга киритди. Ҳа ўзбек йигити истиқлол шарофати, Президентимизнинг ёшларга бўлган юксак ишончи натижасида Америкада бўлиб қайтди.

— Мен АҚШнинг Вашингтон штати Сиэтл шаҳридаги «Норвест Центр Медикал Лидершип» менеджмент марказининг таклифига асосан ўз соҳам бўйича олти ойлик стажировкани ўтадим. Менга НЦМЛ Групп Хелз Кооператив госпиталининг тиббиёт соҳасидаги менеджментлик маркази директори профессор Пол Баук ва доктор Ройе Моррисонлар раҳбарлик қилдилар. Шунингдек, менга Кинг Коунти Медикал Сосайти президенти доктор Томас Гирин ва шу жамиятнинг директори Майкл Рисс яқиндан ёрдам беришди — дейди Алишер.

XXI аср ўзбек ёшлари

Илм, ақл-заковат чегара билмайди. Инсониятнинг XX аср сўнггида англаб етган ҳақиқатларидан бири ҳам шудир. Алишер улардан ўрганиш билан биргаликда, баъзан ўргатишга ҳам тўғри келганлигини ҳаяжон билан гапириб берди.

— Тажриба алмашиш ва ўрганиш даврида мен АҚШнинг «Соғлиқни сақлаш тизими» Сиэтлнинг учта катта госпиталлари Групп Хелз кооперативи, Виржиния Мейсон госпитали, Ветеранс госпиталларида, маъмурий бошқарув тизими, жарроҳлик амалиётининг ташкилий асослари ва шу кунлардаги янгиликлар билан, соғлиқни сақлаш суғурта компанияларининг фаолияти билан яқиндан танишдим. Бундан ташқари Сиэтл шаҳридаги «Кинг Коунти Медикал Сосайти» яъни тиббиёт жамиятининг иш фаолияти ва унинг соғлиқни сақлаш тизилмасидаги роли билан танишишга муяссар бўлдим. Жуда кўплаб жарроҳлик операцияларида иштирок этиб ўрганиш билан бирга баъзан ўргатишга ҳам тўғри келди.

Алишер бугунги кунда Президентимиз томонидан амалга оширилаётган тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар ва уларнинг туб замирида ҳам, аҳолига юксак тиббий хизмат кўрсатиш, хусусий тиббий масканларини очиш ғояси илгари сурилаётганини, бу жараёнда ҳам кўплаб ишлар қилиниши керакligини гапириб берди.

— Америкада Американ госпитал Ассосейшиннинг госпиталлар тўғрисидаги маълумотларига эътибор қилинса, АҚШ да қилинган операцияларнинг 46-48 фоизи амбулатор марказда қилинади. Ҳозирги пайтда АҚШнинг 80 фоиз госпиталларида амбулатор жарроҳлик марказлари бор. Бунинг афзалликлари шундан иборатки : 1. Жарроҳ вақтдан унумли фойдаланади. 2. Беморга операциядан кейин ишга эртароқ қайтиш имконияти туғилади. 3. Беморни, айниқса болаларни госпитализация қилишда теварак-муҳитнинг руҳий таъсири камроқ бўлади. 4. Тиббий хизматга кетадиган сарф-харажатлар сезиларли даражада камаяди. 5. Ички инфекциялар хавфи олди олинади.

Бизнинг олиб бораётган ислоҳотларимизда жаҳон тиббиётидаги эришилган ютуқлар, тажрибалардан ижодий фойдаланилган. Ва ўз-ўзимизнинг тўғри, ҳаққоний йўлимиз танлаб олинган.

Истиқлолнинг буюк қудратини, унинг фақат юксак тушунча эканлигини очиб берадиган сўз, бизнинг луғат бойлигимизда йўқ. Истиқлолни фақат англаш, тушуниш ва ҳис этиш мумкин.

Оддий ўқитувчи Юсуф муаллимнинг фарзанди, қўли енгил шифокор, Алишер Тошмаматов, бугунги кунда туман аҳолисига, бош жарроҳ сифатида юқори тиббий ёрдам кўрсатмоқда. У вилоят марказида, пойтахтда бўладиган жарроҳлик операцияларини туман шароитида қилаётганининг ўзи ҳам таҳсинга сазовордир.

— Мен стажировка даврида меъда ичак тракти жарроҳлиги, қон-томир касалликлари, йирингли проктологик, травматологик операцияларни яқиндан кузатдим ва иштирок этдим. Уларнинг жарроҳлик, реанимация, оилавий врачлик клиникалари иш фолияти билан, у ерда беморларни текшириш услублари, диагностик оператив даволаш усуллари билан танишдим.

Алишер Тошмаматовга америкалик дўстлари компьютер совға қилишган, у тинимсиз изланади, ўқиб ўрганади.

Бугун Каттақўрғонга бир хушхабар етиб келди. Алишернинг америкалик дўстлари, инсонпарварлик ёрдам сифатида унга замонавий тиббий асбоблар юборишибди.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: «Норвест Цент Медикал Лидершип» менеджмент маркази директори Паул Баок Алишер Тошмаматов билан.

Инсонпарварлик — юксак маънавият мезони

(Давоми. Боши 1-бетда)

лий ишларнинг бошланиши давлатимиз сиёсатининг асосий моҳияти инсонпарварлик эканини яна бир карра тасдиқлади. Ҳатто, хориж матбуоти ҳам бу тадбирни ғоят ибратли миссия, деб баҳоламоқда.

Юртбошимиз, ҳаётий тажрибаси кам, ғўрлик қилиб, турли таъсирларга берилган, оқибатда диний-экстремистик оқимларга қўшилиб қолган ёшларни, агар жиноятга қўл урмаган бўлса, ўз ихтиёри билан бош эгиб келса, кечиришларини баён қилдилар. Шундан сўнг ҳуқуқ-тартибот идораларига минглаб ёшлар келиб, адашганликларини айтиб, тавбатазарру қилдилар. Уларга ҳеч қандай жазо қўлланмади. Юзлаб ота-оналар йўлбошчимизни бағрикенглиги, кечиримлилиги учун, ўзларини оғир ташвишдан халос этганлиги учун чин дилдан дуо қилмоқдалар. Адашган ёшлар қалбидаги хавотир, хижиллик ўрнини эл-юртга, айбини кечирган Президентга муҳаббат, садоқат туйғулари эгалламоқда. Кўряпсизми, яхши иш яхшиликни бошлаб келаверар экан!

Биз юқорида ҳар қандай сиёсий арбоб, ҳар қандай сиёсий оқимнинг қиёфасини у амалга оширган ишлар белгилайди, бундай амалларни таққослаш орқали кимнинг аслида ким эканини билиб олиш мумкин, деган фикрни айтгандик.

Энди қуйидаги мисолга эътибор берайлик. Жаҳон оммавий ахборот воситалари, хусусан, «Озодлик» радиоси ўтган ҳафта ташвишли хабар тарқатди. Унга кўра, Тожикистоннинг Жирғатол туманида жойлашган жангарилар лагерида хунрезлик рўй берган. Аниқроғи, Ўзбекистон раҳбарининг юқорида зикр этилган инсонпарварона қароридан хабар топган, ҳақиқатни англаб, ўз юртига равона бўлган 17 нафар жангари йўлда ўз «сафдош»лари томонидан вахшиёна ўлдирилган. Ана сизга «исломий биродарлик», «ҳақиқий мусулмончилик»ни бизга ўргатмоқчи бўлган «валломат»ларнинг каромати!

Биламизки, айрим ота-оналарнинг бепарволиги туфайли ўқиш, тижорат баҳонасида уйидан чиқиб кетган, ҳалигача қаердалиги номаълум бўлган ёшлар бор. Ўшандай ота-оналарнинг ҳар бири, ана шу нобуд бўлган 17 нафар ёш жоннинг бири менинг фарзандим эмасмикан, деган хавотирга тушадими, йўқми? Ўзингиз ўйланг, қанча-қанча оиланинг тинчи бузилади!

Яқинда давлатимиз раҳбарининг «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонини халқимиз миннатдорлик туйғулари билан кутиб олди. Фармонга мувофиқ, кўп маҳкумларнинг айби оғир-енгиллигига қараб жазо муддати қисқартирилади, биринчи бор ёки тасодиф туфайли жиноят содир этганлар, ногирон ва аёллар озодликка чиқарилади. Бу минглаб хонадонларга дийдорлашув онлари, байрам лаҳзалари кириб келади демакдир.

Қаранг, бир томонда хайрли ва савоб ишлар, бир томонда эса хунрезлик ва жаҳолат!

Бизнинг вазифамиз эса, ана шу кўрган-билганларимиздан тўғри хулосалар чиқариш, огоҳ бўлиш, ҳар бир қадамимизни ўйлаб босишдан иборатдир. Хусусан, ҳар бир қилинган хайрли иш — авф ва кечириш, адашганга тўғри йўлга тушиб олиши учун имкон бериш минглаб фуқароларнинг бағрикенг халқига меҳр-муҳаббатини оширишга, ҳаётнинг, тинч-осуда кунларнинг қадрига етишга, Ватанга садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

Разолат ва қабоҳатга келсак, ҳар қандай ёмон ва разил ишнинг ҳам қандайдир сабоғи бўлганидек, бу воқеалар мудроқ ва адашган кимсаларнинг кўзини очади. Хусусан, Тожикистоннинг Жирғатол туманида рўй берган қотиллик ўзини амир деб эълон қилганларнинг ҳақиқий башарасини бу дунё кўрсатиб берди, десак хато бўлмайди.

Мухтасар айтганда, инсонпарварлик мезони кўзгусида кўп нарса — ҳар қандай давлат, ҳаракат ёки шахснинг маънавий қиёфаси, мақсади, интилишлари яққол кўринади. Биз шунга ишонамизки, инсон ҳаётини, унинг манфаатларини ҳар нарсадан устун биладиган Ўзбекистон ва унинг раҳбари бу кўзгуга мағрур ва тик боқа олади.

Аҳмад ХЎЖА
(ЎзА)



Тириклик илдизи мангудир

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Амалий ҳаракатлар таҳлили

ЎзХДП Навоий шаҳар ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида асосан амалий ҳаракатлар, конференциядан конференциягача бўлган даврдаги ишлар атрофлича таҳлил қилинди. Бир сўз билан айтганда, шаҳар ташкилоти таркиби ва нуфузи жиҳатидан бошқалардан ажралиб туради. Унга бугунги кунда 41 та худудий ва бошланғич партия ташкилотлари уюшган. Уларда эса 1006 нафар аъзо бор. Ўтган даврда шаҳар ташкилоти партияга қабул жиҳатидан ҳам, бадаллар тушуми ва молиявий ўнгланиш жиҳатидан ҳам яхши натижаларга эришди. Конференциялар оралиғида аъзолар сони 614 дан мингга ошгани қувонарли. Кейинги 2 йил ичида 300 дан ортиқ ёшлар партияга қабул қилинди. Энг қувончлиси, бу аъзоларнинг 150 га яқини хотин-қизлар бўлса, мутлоқ кўпчилиги эса 28-30 ёшлардаги ишчилардир. Худди шу ҳисобот-сайлов конференцияси куни ХДП Дастури ва Низоми билан мукаммал таниш, партиямизга хайрихоҳ 12 нафар ёшларга партия билетлари топширилди.

Ўз фаолиятига танқид ва ошкоралик тарзида ҳисобот маърузаси қилган шаҳар ташкилоти биринчи котиби Баҳодир Норов партия аъзоларининг бугунги масъулияти, ислоҳотлар йўлидаги ташаббускорликларини янада ошириш хусусида атрофлича тўхталди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг республика Олий Мажлиси XIV сессиясидаги маърузаси, янги XXI асрга ундовчи илҳомбахш асарлари ХДП аъзоларининг тарғибот-ташвиқот ишларида қўл келаётганлигини алоҳида уқтирди. Музокараларда сўзга чиққанлар қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда ишда йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли

Ҳисобот-сайлов конференциялари

қарорлар қабул қилинди.

Анжуманда шаҳар партия кенгашининг ва ташкилот тафтиш комиссиясининг янги таркиби ҳамда вилоят партия ташкилотининг иккинчи конференциясига делегатлар сайланди.

Конференция ишида шаҳар ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати Б.Ҳамдамов, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Рустам Ботиров иштирок этдилар.

Янги сайланган ЎзХДП Навоий шаҳар кенгашининг пленумида Баҳодир Норов биринчи котибликка қайта сайланди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Шунингдек, Бектемир, Бувайда, Косон, Муборак, Нарпай, Нурота, Риштон, Сайхунобод, Томди, Учқудуқ, Фарғона, Қоровулбозор туманлари ва Зарафшон, Қувасой шаҳар партия конференциялари бўлиб ўтди. Уларнинг ишида Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Л.Ғуломов ва Бектемир тумани ҳокими Ш.Ҳикматов, Бувайда тумани ҳокими О.Назаров, Косон тумани ҳокими А.Чориев, Муборак тумани ҳокими К.Остонов, Самарқанд вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р.Ҳамроқулов ва Нарпай тумани ҳокими А.Жалилов, Навоий вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р.Ботиров ва Нурота тумани ҳокими М.Тўйчиев, Томди тумани ҳокими А.Назаров, Фарғона вилоят партия кенгаши иккинчи котиби З.Абдуллаева ва Риштон тумани ҳокими А.Аҳмадалиев, Сайхунобод тумани ҳокими С.Раҳмонқулов, Фарғона тумани ҳокими Т.Эгамбердиев, Қоровулбозор тумани ҳокими Н.Йўлдошев, Навоий партия кенгаши биринчи котиби Р.Ботиров ва Зарафшон шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари А.Залиганов, Фарғона вилоят партия кенгаши биринчи котиби А.Игамбердиев ҳамда Қувасой шаҳри ҳокими А.Раҳмоналиев иштирок этдилар.

Мазкур конференцияларда сайланган партия кенгашларининг ташкилий пленумлари ўтказилди. Уларда партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб, тегишлича, Р.Маматқулова, Э.Хўжаев, И.Усмонов, А.Садинов, С.Ғиёсов, Б.Жумаев, Ў.Бекмирзаев, Ш.Тожибоев, О.Майхиев, Н.Идрисов, Т.Мамиталиев, Т.Кичиков ва Б.Қосимов, Т.Илёсов сайландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзгартиришга ҳаққингиз йўқ эди

Тошкентнинг бугунги жамоли ҳақида кўп гапириш ва ёзиш мумкин. Ёзгандаям ички тўлқин ва ҳаяжонсиз битиб бўлмайди. 9-10 йил аввал пойтахтни кўрган одам бугун таний олмаслиги айни ҳақиқат. Буни барча эътироф этмоқда. Эндиликда пойтахтда яна бир муҳим жараён бошландики, бу шаҳар ободлигини, экологик тоза, тинч ва осуда, кўча ва биноларнинг, турар-жой уйларининг гўзал ва тартибли бўлиши, замонавий ва буюк кўриниш касб этишига, айниқса, шаҳарнинг янги ўзига хос архитектуравий кўринишини сақлаб қолишга ва унинг мазмунини янада бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳокими ўринбосари, туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Раҳмонов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Бахтиёр Султонович, яқинда таҳририятга қўнғироқ бўлди. Акмал Икромов туманидан. Шунда ўзбошимча қурилган уйлар, гаражлар ва ҳатто «изгород»лар бузилаётганлиги, бу ишлар нимага асосланиб қилинаётганлиги ҳақида сўрашди.

— Шу йил 13 март куни Тошкент шаҳар ҳокимлигида республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди ва унда Тошкент шаҳрида турар-жойлар, архитектура-шаҳарсозлик қонунчилигига амал қилиниши устидан назоратни кучайтириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шунингдек, республика Вазирлар Маҳкамаси раёсати мажлисининг шу йил 27 январда қабул қилган 2-сонли баённомасида белгиланган чора-тадбирлар бажарилишини таъминлаш ҳамда шу ҳақдаги Тошкент шаҳар ҳокимининг 1999 йил 12 февралдаги 86-сонли қарори қай даражада бажарилаётганлигига эътибор қаратилди.

Мазкур ҳужжатлар республика, шаҳар, қолаверса, туман аҳолисининг тинч, осуда ҳаёт кечиришини таъминлаш, архитектура-шаҳарсозлик қонунчилигига амал қилиниши йўлидаги муҳим қадамдир. Юқоридаги ишлар санаб ўтилган муҳим ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

— Комиссия таркиби қандай?

— Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар ижросини амалга ошириш мақсадида Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов раислигида республика комиссияси тузилган бўлиб, Тошкент шаҳар комиссиясига шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов раислик қилмоқда. Шунга асосан Акмал Икромов туманида ҳам 25 февраль куни туман ҳокимлигининг 176-сонли қарори чиқарилди ва шу қарорга биноан туман комиссияси тузилди. Унга туман ҳокими Абдулқосим Маҳмудов раислик қилмоқда.

Туман комиссияси таркибига туман қурилиш мажмуаси, коммунал фойдаланиш бошқармаси, прокуратура, «Шаҳарназорат» инспекцияси, туман хусусийлаштириш; ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш; архитектура; миллий хавфсизлик хизмати; ички ишлар; якка тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олиш сингари бўлимлар, туман назорат инспекцияси, маҳалла оқсоқоллар кенгаши киритилган.

— Қилинган ва қилинадиган ишлар хусусида ҳам...

— Ҳозирги кунга қадар туманда ноқонуний қурилган 1-тоифали 159 та, 2-тоифали 403 та қурилмалар бузиб ташланди. Бузишдан аввал бу қурилмаларнинг эгаларига 3 мартадан огоҳлантириш қоғозлари юборилган. Ўз хоҳиши билан бузмаган фуқароларнинг ўзбошимча қурилмалари суд қарорига асосан ёки тузилган комиссия қарорига биноан бузилмоқда. Шу кунларда огоҳлантириш қоғозлари тегишли фуқароларга тарқатилмоқда, ҳужжатлар расмийлаштирилиб судга топширилмоқда, ҳар ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ҳокимлик биносига ноқонуний қурилма қурган фуқаролар таклиф этилиб, уларга комиссия ҳайъати томонидан ўз ихтиёри билан қурилмаларни бузиб ташлашликлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ишларни жадал суръатларда амалга ошириш мақсадида қўшимча ишчи кучлари ва қўшимча техника жалб этилган.

— Мазкур ишлар мавсумий характерга эга эмасми?

— Йўқ. Бу тадбирлар республика комиссияси қабул қилган ҳужжатларга асосан белгиланган муддатларга қадар амалга оширилиши шарт ва бундан кейин ҳар бир уй, ҳар бир кўча қаттиқ назоратда бўлади.

— Узр, савол сал кескинроқ, бироқ бундан кўз юмиб бўлмайди. Ўз лгиз ҳам биласиз, кўргансиз ҳам — айрим пулдорлар катта кўчанинг, яъни автойўлнинг шундоқ чеккасига ўз дўкончасини қуриб олган ёки маълум жойни темир панжара билан ўраб қўриш каби ҳуқуқлари ҳисобга олинмаган. Чунки йўқсиллар даври эди-да. Энди эса замон ўзгарди. Мустақиллик кўп нарсаларни берди. Шундай экан бу ҳолдаги муаммоларни замонавий режада қайта кўриб чиқиш вақти келмадимикин? Бу борада энди қандай ишлар амалга оширилади?

— Катта кўча ва автойўллар чеккасига савдо шаҳобчалари ҳамда шунга ўхшаш қурилмалар фақат Тошкент шаҳар ҳокимлигининг рухсати билан қурилади. Шунда ҳам мавжуд тартиб-қоидага амал қилингани ҳолда. Улар қурилиши ва фаолиятини эса савдо департаменти назорат қилади, яъни автомобиллар ва пиёдалар ҳаракатига ҳалақит бермайдиган, қонун талабларига мувофиқ тарзда қурилишини таъминлайди.

Рухсатномалари бўлмаган барча қурилишлар албатта, қонун доирасида жойидан кўчирилади.

Юқорида келтирилган мисол, яъни «Чилонзор-30» мавзесидаги барча ноқонуний қурилишлар ҳозирги кунда текширилмоқда. Унинг натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳоллари тезда бартараф этилади.

— Узр, майда савол бўлса-да, бермоқчиман. Чунки бу нарса қўни-қўшни ўртасида адоват пайдо бўлишига сабаб бўлади. Дейлик, кўп қаватли уйда яшаймиз. Кимдир бирда, кимдир бешинчи қаватда. Биринчи қаватнинг деразаси тагидаги бир парча ерни деб қўни-қўшни ўртасида анчамунча ғалвалар бўлганининг гувоҳиман. Аслида у ердан қандай фойдаланиш керак? Қўшнилар рўйхушлик бермаса-да, ўша ерни болалар майдони қилиш (аслида болалар учун майдон бор-ку), **яъни атрофини 2 метрли темир панжара билан ўраб, тагини цементлаб, устини ёпиб қўйишни қандай тушуниш мумкин?**

— Тўғри, ҳар бир кўп қаватли уйнинг атрофида ер мавжуд. Фуқаролар шуни билиши керакки, бу ерни ҳеч ким ҳеч қайси истиқомат қилувчига бўлиб бермайди. Ердан ўша уйда яшовчи қўни-қўшнилар ўзаро келишувга асосан фойдаланиши мумкин. Бунда бирон-бир қурилиш назарда тутилмайди. Фақат дид билан чиройли қилиб кўчат экиш, қисқаси кўкаламзорлаштириш мумкин. Бу битта мақсадга, яъни яшил ўсимликлар экиш эвазига ҳаво тозалигини, хушбўйлигини сақлашга қаратилмоғи лозим. Мазкур ишлар «дом»да яшовчи айрим шахсларга эмас, балки барча истиқомат қилувчиларга тегишлидир.

Саволингизда айтилган манзара, яъни темир панжара билан ўраб, тагини цементлаб, бу ҳам етмагандек устини ёпиб қўйишга рухсат берилмайди. Чунки бундай қурилишлар фақат маълум бир кишининг ёки оиланинг манфаатдорлигидан келиб чиққан ҳолда бажарилган бўлади.

— Ҳис этиб турибман, ҳозир олиб берилаётган тадбирлар, яъни ўзбошимча қурилган хона, гараж ва темир панжараларни бузиб, шаҳарни тартибга келтириш осон кечмаётгандир. Ахир бу жараённи кимдир маъқуллайди, кимдир ундан норози. Ҳўш, норози бўлганлар судга мурожаат этишлари мумкинми?

Юрт жамоли — бизнинг камолимиз

— Ҳақиқатан ҳам ўзбошимча қурилган қурилишлар — хона, гараж, омборхона, товуқхона ва шунга ўхшаш жойларни бузиш осон кечмаяпти. Норозилар бор, ахир нима бўлгандаям уларнинг пули куйган. Бироқ қонун барча учун баробар. Айрим Европа давлатлари сингари қонундан четга чиқмай яшашни ўрганишимиз керак. Бундан ташқари ўз манфаатимиз учун арзимас, кўримсиз қурилмалар қуриб, шаҳарнинг меъморий кўринишини алафдек бузмаслигимизни ҳеч бўлмаганда онгли тушунишимиз лозим. Шукр, ҳар қалай тушунадиганлар ҳам кўп. Шунинг учун ҳам кўпчилик бир марта огоҳлантиришдан кейин-оқ ўзбошимча қурилишларини ўзлари бузиб ташлашмоқда. Тадбирдан норози бўлганлар судга мурожаат этишлари мумкин, лекин уларнинг ҳаракати қонунчиликка, юртбошимизнинг 1998 йил 2 мартдаги «Санитар қонунларни бузганлик учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Фармонига ҳамда Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 229[1]-моддасига, қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарорларига зид бўлганлиги сабабли суд уларнинг эътирозини қондира олмайди.

— «Дом»да яшайдиганларнинг кўпчилиги ошхонасини — газ, иссиқ ва совуқ сувни балконига чиқариб олган, яъни ўзига қулай шароит яратган. Шу масалада ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Яхши савол. Ўзим ҳам шуни бериб қолмасангиз, деб турувдим. Лекин бу бор ҳақиқат. Пойтахт аҳолисининг 80 фоизи десак муболаға бўлару, ҳар қалай 50-60 фоиз аҳоли ошхонасини балконга кўчириб олган. Авваламбор шуни айтиш керакки, бу кўриниш уйда яшовчиларнинг манфаатдорлигидан келиб чиққан. Бундай ўзгартиришлар уйнинг муҳандислик қисмлари ва умумий лойиҳага тўғри келмайди. Бунда уйнинг (домнинг) совуқ ва иссиқ сувлар айланма ҳолати бузилади. Шунинг учун булар ноқонуний ўзгариш саналади. Бундан ташқари газни балконга чиқариш ёнғиндан сақлаш идоралари томонидан маън этилган.

Шу ўринда бир таклиф айтиб ўтсам. Ўзбекчилик нималигини яхши биласиз. Табиат шайдоси, гўзаллик ошуфтаси, ўтирган уйини безаб ўтиради. Бироқ уйида қамалиб ўтиролмайди. Шунинг учун ҳам балконига газини чиқарган. Негаки, табиатга — довдарахту гулзорга яқин. Қисқаси, энди қурилаётган «дом»ларда ошхонани балконга махсус лойиҳалаштирилса, нур устига нур бўларди.

Алимқул СУЛТОНОВ
суҳбатлашди

Маслаҳат гуруҳининг мажлиси

Озарбойжон НАТОни «тараққийпарвар ташкилот» деб ҳисоблайди ва унинг Югославиядаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Ўтган пайшанба куни Президент Ҳайдар Алиевнинг ташқи сиёсат масалалари бўйича маслаҳатчиси Вафо Гулузода Бокуда НАТОнинг Евроатлантик ҳамкорлик бўйича маслаҳат гуруҳи кенгашининг мажлисини очаётиб шундай баёнот берди. В. Гулузода, Озарбойжон иттифоқнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида НАТОга киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини таъкидлади. Бокудаги мажлис кун тартибига XXI асрда НАТО доирасидаги ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантиришнинг янги тизимини яратиш, Косово можароларининг натижалари, НАТОнинг «очиқ эшиклар» сиёсати ва бошқа масалалар киритилган. Йиғилишда Озарбойжон ҳамда МДҲга аъзо мамлакатлар (Арманистон ва Россиядан ташқари), шунингдек Буюк Британия, Нидерландия, Норвегия, Польша, Чехословакия, Словения, АҚШ, Туркия, Швеция, Швейцария ҳамда НАТО асосий комитетларининг вакиллари иштирок этишмоқда.

Муносабатларни чуқурлаштиришга интилмоқда

Грузиянинг НАТОдаги вакили Зураб Абашидзе ўз мамлакатининг Шимолий Атлантика иттифоқи билан муносабатларини парламент доирасида чуқурлатишни кўзлаётганини билдирди. З. Абашидзе, Грузия ҳозирдаёқ НАТО билан мудофаа ва ташқи сиёсат борасида фаол ҳамкорлик қилмоқда, бироқ ушбу иттифоқ билан парламентлараро муносабатлар ўрнатиш унинг учун янгиликдир, деди «Интерфакс» ахборот маҳкамасига. «Бу фаолиятнинг мақсади — НАТО мамлакатлари билан юридик ва ҳуқуқий маслаҳатлашишдан иборат, — деди элчи. Хусусан, Тбилиси НАТО мамлакатлари парламентчиларини Грузия хавфсизлиги, Грузиянинг ҳудудий бутунлигини тиклаш муаммоларига жалб этишни кўзлаяпти. Шу билан бирга, НАТО Грузиянинг ҳудудий бутунлиги масалаларини ечишга фаол қўшилиши даргумон, деб ҳисоблайди элчи. Чунки бу мамлакат ҳали иттифоққа аъзо эмас. Бироқ З. Абашидзенинг фикрича, ушбу муаммога халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш учун Грузия ҳар қандай минбардан фойдаланиши зарур.

Музокараларда силжишга эришилмади

Ҳудудий баҳсларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган украин-румин музокараларида жиддий силжишга эришилмади. Бу ҳақда Украина Президенти Леонид Кучма Руминия Президенти Эмил Константинеску билан Киевда олиб борган музокаралардан сўнг шундай баёнот берди. Бироқ Руминия Президенти чегараларни белгилашда муайян тараққиётга эришилди, деб ҳисобламоқда. Украина ва Руминия ўртасида Қора денгиз яқинидаги — Змеиний ороли ҳудудидаги жойларда чегарани белгилаш масаласида келишмовчилик мавжуд. Бу ҳудудда анчагина нефть ва газ қатламлари бор.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 31

1 TV

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Боболардан қолган бу наво».
9.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Мусиқий саёҳат».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 Ўзбек киноси ижодкорлари.
10.40 Кундузги сеанс: «Финист-сарлочин». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.30 Тўра Мирзо. «Пўстин». Теленовелла.
12.55 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
13.10 «Ҳамма кўриши шарт...эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
14.10-14.30 «Фавқулодда 20 дақиқа».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Орзули олам бу».
18.30 «ТВ патруль».
18.40 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Имом ал-Бухорий». Премьера.
21.40 Эркин ва юнонрум кураши бўйича Осиё чемпионати.
22.10 «Келин-қуёв». Телешоу.
23.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 51-қисм.
23.55 «Ахборот».
00.25 «Маънавият» дастури.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чаққон», Мультомоша)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Жаҳон чекишга карши кураш куни. «Саломат бўлинг».
20.05, 20.35, 23.25 Эълонлар.
20.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.40 «Жаҳон». Халқаро шарх.
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.35 «Ёшлар» телеканали намойиш этади: «Бурч» Видеофильм. 1-қисм.
22.05 «Душанбада кўришгунча».
22.25 «Муносабат».
22.45 «Мусиқий лаҳза».
22.50 «Кулгига нима етсин».
23.10 «Олам футболи».
23.30 «Ёшлар» телеканалида.
23.40 Синема. «Масрур сахар». Детектив.
01.15 «Хайрли тун!»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Очиқ дарс».
20.15 «Телефакт».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Бурч ва масъулият».
22.00 «Чин қалбдан».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 "Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Вақт хазинасидан».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Оппоқ ойим қиз». 6-серия.
18.00 Клип-антракт.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
18.45 Анна Самохина ва Евгений Сидихин «Рус транзити» сериалида .1-серия.
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Сиз учун». Дам олиш дастури.
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: «Ўғрилик». Бадиий фильм. 1-серия.
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА 1

Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни

1 TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Муштарак оҳанглар». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 51-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

Ўқув кўрсатувлари:

10.05-15.30 «Бахт ҳамиша Сиз билан» Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.35 «Аёл дунёни тебратар».
19.00 Киносовға.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бибихоним». Премьера.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиқла ҳаёт гўзал». Мусиқий тури.
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: «Ўғрилик». Бадиий фильм. 1-серия.
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 2

1 TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Икки дил таронаси». Концерт.
9.00 «Кичкинтоймиз—гижингтоймиз».
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Абитуриент-99. Адабиёт.
10.25 Кундузги сеанс: «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.
12.05 «Талаб ва таклиф».
12.25 «Маънавият» дастури.
13.10 «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 21—22-сериялар.
14.10-14.30 «Кафолат».
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» — «Пахтакор».
16.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Портрет». Премьера.
16.55 Болалар учун. «Гулғунчалар».
17.25 «Озод обод юрт».
17.40 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
18.10 «Тўртинчи хокимият».
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.05 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим- тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Санъат-дўстликка чорлайди». Ж.Муродов.
22.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.15 Футбол майдонларида.
23.30 «Ахборот».
24.00 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 52-қисм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.40 «Семурғ». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастури.
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.35 «Ракурс».
19.55, 22.55 Эълонлар.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30 «Спектаклдан сўнг».
20.50 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Бурч». Видеофильм. 3-қисм.
22.05 Танишинг: «Ўзбегим» гуруҳи.
22.20 «Эркин фикр».
22.35 «Мусиқий лаҳза».
22.40 «Авторейд».
22.50 «Ёшлар» телеканалида.
23.00 Синема «Миссисипи арвоҳлари».
00.50 «Хит-коллекция».
01.10 «Хайрли тун!»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «02» тўлқинида.
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Хайрли оқшом».
22.15 Кичик концерт.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Жонли сайёра».
17.15 «Маски-шоу».
17.50 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Оппоқ ойим қиз». 8-серия.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Инсон ва қонун».
18.45 «Рус транзити». Сериал. 3-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар мукофоти совриндорлари-1975 йил».
22.50 Кинематограф: «Омаркорт». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА 3

1 TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 52-қисм.
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Нигоҳ».

Ўқув кўрсатувлари:

10.25 Абитуриент-99. Она тили.
10.45 Япон тили.
11.05 Абитуриент-99. Математика.
*
11.25 «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
11.40 «Ватанпарвар».
12.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.30 Эртаклар-яхшиликлар етаклар. «Тилла тухум».
13.30 «Алпомиш ўйинлари».
14.10-14.45 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.25 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Севги васфи». Мусиқий дастур.
22.15 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 23—24-сериялар.
23.05 «Ўзлигинг намоён қил.» Экранда — Навоий вилояти.
23.35 «Ахборот».
00.05 «Сомон йўли».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 51-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мушоира».
19.35 «Санам».
19.50, 20.20, 23.20 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Тил ва дил».
20.40 «Мусиқий глобус».
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Бурч». Видеофильм. 4-қисм.
22.05 «Сиз севган хонанда Равшан Комилов».
22.25 «Давр»-интервью.
22.35 «Садо-99» тақдим этади.
23.05 «Ёшлар» телеканалида.
23.15 Синема. «Ҳиёнат устига ҳиёнат».
00.40 «Спорт қитъаси».
01.10 «Хайрли тун!»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 Армуғон. Ж. Юнусов.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Яхши кайфият».
22.15 «Достоннинг девони». Телефильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дил изҳори».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Бу ажиб дунё».
17.15 «Куйини топинг».
*
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Этик кийган мушук».1-серия.
18.00 Клип-антракт.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.05 «Йўқотилганларни излаб...».Татьяна Пельтцер. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
18.45 «Рус транзити». Сериал. 4-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «СНН -шоу»
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: Джулия Робертс «Пеликанлар иши ҳақида» фильмида.
00.50 «Ахборот» (рус тилида) 01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 4

1 TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Диёр мадҳи». Концерт.
9.00 «Меҳригиё».
9.20 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаёт чашмалари».

Ўқув кўрсатувлари:

10.25 Абитуриент-99. Физика.
10.45 Немис тили.
11.15 Абитуриент-99. Биология.
*
11.35 «Бешбармоқ». Тележурнал.
12.05 «Кафолат».
12.20 М. Турғунбоева номидаги Республика рақсосалар танлови голибларининг концерти.
12.50 «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 23—24-сериялар.
13.40 Ўзбекистон фуқароси.
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30-15.00 «Сомон йўли».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Муҳаббат дарси».
19.05 «Мулқдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз-гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Парламент соати».
21.25 «Назм ва наво».
22.00 «Кинонинг минг бир олами».
22.20 «Битик».
22.40 «Оила сирлари». Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 52-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Далил ва шарҳ».
19.50 «Мусиқий лаҳза».
19.55, 20.25, 23.20 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Талабалар шаҳарчаси».
20.45 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Бурч». Видеофильм. 5-қисм.
22.05 «Саломат бўлинг». Жаҳон атроф-муҳитни мухофаза қилиш кунига.
22.20 «Автосалтанат».
22.35 «Спорт ҳафтаномаси».
22.55 «Жаҳон эстрадаси».
23.15 «Ёшлар» телеканалида.
23.25 Синема. «Роб Рой».
01.25 «Мунаввар тонг истаб»

TTV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Кўзгу». Тележурнал.
11.35 «Саодат калити».
11.55 «Кинонигоҳ».
13.30-13.40 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 «Кулишни унутманг». Дам олиш томошаси.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Гиннес шоу».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Жума оқшомида».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Фаровонлик бекати».
22.10 «Рақслар жилоси».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 «Тунчироқ».
00.15 Оҳанглар ва эълонлар.
00.25 Кинонигоҳ.
02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4да Немис тўлқини».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «СНН- шоу».
*
17.15 «Жентелмен-шоу».
*
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Этик кийган мушук». 2-серия.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
18.10 Клип-антракт.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри: «Посбон». Бош ролда Д. Лундгрен.
00.10 «Клипомёт».
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА 5

1 TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Ҳидоят сари».

«Умид» намойиш этади:

9.35 «Кўзгу».
10.00 «Мен билган, билмаган дунё».
10.25 «Экология ва ҳаёт».
*
10.45 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
11.00 Кундузги сеанс. «Нофелет қаерда?» Бадиий фильм.
12.25 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
13.00 Ёш хонандалар концерти.
13.40 «Нотаниш дил суҳбати».
13.55-14.40 «Ринг».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Фунтик ва мўйлабли кампиршо». Мультфильм.
18.10 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00 ,21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 « Қишлоқ ҳаёти».
21.25 «Суюклигим». Мусиқий дастур.
22.00 «Халқнинг кўнгли».
22.25 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 25-серия.
22.50 «Ахборот».

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

23.20 «Куй ва тасвир».
23.40 «Дунё». Бадиий фильм. 1-серия.
00.55-01.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 51-қисм.
10.45 «Ақл ёшдамас».
11.00 «Ёшлар» телеканалида.
11.05 «Кинотақдим».
11.25 «Мусиқий лаҳза».
11.30 «Ракурс».
11.50 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
12.15 «Танишинг: Жасур Ризаев».
12.30 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
12.35 «Спектаклдан сўнг».
12.55 «Болалар дунёси «Томоша» гуруҳи».
13.10 «Семурғ».
13.25 «Рамаяна». Телесериал.
14.00 «Равнақ».
14.15 «Мусиқий лаҳза».
14.25 «Чироғи ёниқ уй».
14.50 «Кунг-фу тарихи». Телесериал.
15.35 «Мезон».
15.50 «Эски альбомдан».
15.55 Синема.
17.25 От спорти бўйича. «Жаҳон кубоги».
17.45 «Шарқ эстрадаси».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», Мультомоша)
18.35 «Эски альбомдан».
18.40 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
18.55 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 23.25 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес-академия».
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Хуш келибсиз».
21.55 «Янги овоз: Анвар Шавқиев».
22.10 «Туйғу».
22.30 «Эски альбомдан».
22.35 «Мусиқа теграсида».
22.55 «Кунгил кунгилга пайванд».
23.25 «Ёшлар» телеканалида.
23.35 Синема. «Руҳ». Мелодрама.
01.20 «Хайрли тун!»

TTV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.55 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.40 «Тасанно».
11.10 Болажонлар экрани.
12.40 «Ибрат».
13.00 «Бева Бланка». Телесериал.
13.45 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Давид Копперфильд.
14.10 «Дўстлик» видеоканали: «Умид», «Чинсэн».
14.55-16.35 Кинонигоҳ.
*
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Янги ой чиққан кеча».
18.45 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ҳамшаҳарлар».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
22.20 «Катталар учун эртак».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.30 «Тунги пойтахт». Информацион дам олиш дастури.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Кинонигоҳ.
01.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Бу ажиб дунё».
9.20 «Кино сайёраси».
9.35 Кинематограф: «Пеликанлар иши ҳақида». Бадиий фильм.
11.55 «Жонли сайёра».
12.10-12.35 «Салом, ёшлар!»
***
16.00-17.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Бинафша».
17.50 «Дил изҳори».
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.00 «Кумуш серия». Мишель Морган ва Жерар Филипп «Катта машқлар» фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «Маҳфий ҳужжатлар». Сериал.
*
21.30 «Биргаликда куйлаймиз».
22.20 Кинематограф: «Йўлбарслар командаси». Бадиий фильм.
*
23.50 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш учрашуви. Франция ва Россия терма жамоаси. Франциядан олиб кўрсатилади.
*
01.30 «Ахборот» (рус тилида)
01.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА 6

1 TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Бўстон». Тележурнал.

«Умид» намойиш этади:

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Билим-ринг».
11.40 «Ёшлар ва эстрада».
*
12.05 «Шарқнинг машҳур аёллари».
12.25 Кундузги сеанс: «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.
13.40 «Шоҳруҳ клуби».
14.10 «Мозийдан бир мўъжиза».
14.25 -15.50 «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 25-серия.
*
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Ўзлик». Бадиий -публицистик кўрсатув.
17.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»—«Зарафшон». Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида-Мультфильм.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.50 «Телевизион миниатюралар театри».
22.25 От спорти бўйича жаҳон кубоги.
22.55 «ТВ-1 намойиш этади». Телеанонс.

«Аср мўъжизаси».
Кинодастури.

23.10 Кино янгиликлари.
23.25 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.45 «Дунё». Бадиий фильм. 2-серия.
01.10 -01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Бизнес-академия».
10.10 «Мусиқий лаҳза».
10.20 «Инглиз тили Сиз учун».
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 52-қисм.
11.45 «Меҳр кўзда».
12.25 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
12.50 «Лаззат».
13.10 «Дониёр Тошмуҳамедов куйлайди».
13.30 «Цирк, цирк, цирк».
13.50 «Мусиқий глобус».
14.10 «Рамаяна». Телесериал.
15.45 «Кулгига нима етсин».
15.05 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
15.10 «Очун».
15.30 «Ўзбекистон қанотлари».
15.40 «Хит-коллекция».
16.00 Синема.
17.45 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ўй вазифаси», Мультомоша)
18.35 «Остонадаги орзулар».
18.55 «Сиз ёқтирган қўшиқ».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Бари ҳазил».
19.45, 20.25, 23.25 Эълонлар.
19.50 «Рамаяна». Телесериал.
20.30 «Дунё ҳафта ичида».
20.50 «Мусиқий лаҳза».
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Синфдош».
22.05 «Ёшлар» телеканалида. «Шаҳзод» гуруҳи. «Азиз юртим». Мусиқий дастур.
23.05 «Миллионлар уйини».
23.30 Синема. «Арлетт». Комедия (Франция)
00.55 «Хайрли тун!»

TTV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.40 Болалар учун. «Ҳалфана».
9.55 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.40 «Мисли гавҳар».
11.00 Болажонлар экрани.
12.30 «Таянч».
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
14.00 «Хориж ҳангомаси».
14.15-15.50 Такрорий фильмлар экрани.
***
17.55 «Якшанбадан якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Камолот сари».
18.55 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Ёшлар қўчаси».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбадан якшанбагача».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.50 «Даллас». Телесериал.
22.40 «Тунги пойтахт». Информацион дам олиш дастури.
23.10 «Мўъжизасиз- мўъжизалар». Давид Копперфильд.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55-00.25 «Ҳайрли тун, шаҳрим!». Дам олиш дастури.

4 TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами»
10.25 «Парле ву франса?»
10.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.00 «Оскар мукофоти совриндорлари-1975 йил».
11.20 Кинематограф: «Омаркорт». Бадиий фильм.
13.20 «Фан-тайм». (Болалар учун ингли

Эркин курашчиларимиз ғолиб, навбат юнон-рум беллашувларига

Бу кунни мухлислар сира унутмасалар керак. Боиси, ўтган пайшанбада «Юнусобод» спорт кошонаси янада гавжумлашди. Байрамона кайфият ва сурур нафаси сезилиб турди. Гап шундаки, уч кун олдин эркин кураш бўйича бошланган Осиё чемпионати ғолиблари аниқланиши керак эди. Умуман, ҳамиша ҳал қилувчи баҳслар шиддаткор ва муросасиз олишувларга бой бўлади. Шу куни 100 га яқин полвондан 16 нафари совринли ўринга даъвогар экани аён бўлди. Ишқибозларга Эрон ва Қозоғистон вакилларидан уч, Шимолий Корея билан Қирғизистондан икки нафардан курашчи, японлардан бири финал баҳсларида иштирок этишлари маълум эди. Айниқса, юртимиз полвонларидан 5 нафарининг финалга чиққани катта умидворлик туғдирарди.

Қарсаклар остида дастлабки жуфтлик — 54 килограмм вазнли Хан Йонгдо (Шимолий Корея) билан қозоғистонлик Мавлен Маъмуров таклиф қилинди. Сирасини айтганда қозоқ курашчисига мухлислар яхши ният билдириб турдилар. 25 ёшли бу курашчи Атланта олимпиадасининг совриндори, жаҳон чемпионати иштирокчиси бўлган. Лекин Хан сира бўш келмасликка ҳаракат қилди. Зеро, Мавленнинг тажрибаси устун келиб, бир ҳамла ва «чарх-палак» билан таблода ўз ҳисобига 4 очко ёзилишига эришди. У ана шундай шиддатли ҳужумни давом эттириб, 7:1 ҳисобида ғалабани қўлга киритди. 58 килограмм вазнли полвонлар баҳсида эса Шимолий Корея курашчиси. Ри Йонг Сам қирғиз спортчиси Русланбек Маджиновни 6:1 ҳисобида доғда қолдириб, чемпионликни қўлга киритди. Ишқибозлар 63 килограмм вазнли финалчиларни сабрсизлик билан кутардилар. Боиси, бу вазнда мамлакатимиз вакили Рамил Исломов майдонга чиқиши лозим эди. Рамил Европа ва жаҳон чемпионатларида иккинчи ўринни эгаллаб, жаҳон кубогини қўлга киритган полвонлардан. Афсуски бундай ютуқлар Тошкент курашида асқотмади. Эронлик Алиакбар Доданге билан беллашувда асосий вақтда 2:1 ҳисобида меҳмоннинг устунлиги сезилиб турди. Кураш қоидасига кўра ютуқлар рақами учтадан кам бўлмаслиги керак. Шунинг учун қўшимча вақт берилди. Бу сафар жаҳон кубоги соҳиби Алиакбар маҳорат кўрсатиб, ғолиблик супаси сари йўл олди. Рамил эса кумуш билан қаноатланишга мажбур бўлди.

69 килограмм вазнли полвонлар беллашувида ҳам яна бир вакилимиз майдонга чиқиши кутиларди. Лекин эронлик Такахиро Ваданинг бетоблиги туфайли курашчимиз Игорь Купеевга ғалаба ёзилди. Аммо 76 килограмм вазнли полвонлар беллашуви ниҳоятда ҳужумкор тарзда давом этди. Курашчимиз Руслан Хинчагов мудлатидан илгари финалга йўлланма олганди. 29 ёшли бу полвон қирғиз курашчиси Нурбек Изабеков билан шундай курашдики, мухлислар бир неча бор олқишлашди. Айниқса, унинг рақибини ётган ҳолатида белидан маҳкам олиб, ўзи билан бирга думалатиши тақсинга лойиқ бўлди. Ҳакамлар ҳам унинг ҳар бир ҳаракатини, техник услубларини муносиб баҳолашди. Оқибатда Руслан 8:1 ҳисобда ғалабага эришди. 85 килограмм вазнли полвонлар баҳсидан ҳам ишқибозлар мамнуният ҳосил қилдилар. Майдонга курашчимиз Аслан Санакоев билан қозоқ полвони Абил Султонбеков чиққанди. Кураш узоққа чўзилмади. 21 ёшли Аслан 4:0 ҳисобида ғалабани таъминлади. Маълумки полвонлар вазни ортган сари беллашувлар маҳоратли тус олаверади. Шунинг учун бўлса керак эронлик Алиреза Хеидари билан қозоқ курашчиси Ислом Баирамуков беллашуви кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Лекин 24 ёшли Алиреза жаҳон чемпиони бўлиб, жаҳон кубогини бежиз қўлга киритмаганини амалда намойиш этди. Унинг соф ғалабаси ҳақиқатдан ҳам ҳалол экани намоён эди. Ҳакамлар 5:0 ҳисобида унга ғалаба ёзишди. 130 килограмм вазнли полвонлар олишувидан ҳам илинжимиз бор эди. Сабаб Ўзбекистон курашчиси Георгий Кайсиновни финалгача бўлган беллашувларидан завқланганмиз Аммо, курашчимизнинг оёғидан лат егани муносабати билан майдонга чиқолмаслиги эълон қилинди. Олтин нишонни эса эронлик Алиризо Ризоий «илиб» кетди.

Шундай қилиб, эркин кураш бўйича Осиё чемпионати якунига етди. Ғолибларни шарафлаш, уларга кубок ва эсдалик совғаларини тақдим этиш ҳам ўзига хос тантанага айланди. Ўзбекистон полвонлари 3 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза нишонларига эга бўлиб, жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Қозоғистонликлар 1 та олтин, 2 та кумуш, 1 бронза билан иккинчи бўлишди. 3 та олтин соҳиби бўлган эронликларга учинчи ўрин насиб этди. Курашчимиз Руслан Хинчагов «Энг яхши техникаси учун», эронлик Алиреза Хеидари эса «Энг яхши курашчи» номига сазовор бўлдилар. Кеча эса юнон-рум кураши бўйича Осиё чепионати баҳслари бошланди. Бугун-эрта аёллар курашига ҳам йўл берилади.

Танишинг: Осиё чемпионлари

Қозоғистон

Мавлен МАЪМУРОВ (54 кг)

Шимолий Корея

Ри Йонг САМ (58 кг.)

Эрон

Алиакбар ДОДАНГЕ (63кг)

Ўзбекистон

Игорь КУПЕЕВ (69 кг)

Ўзбекистон

Руслан ХИНЧАГОВ (76 кг)

Ўзбекистон

Аслан САНАКОЕВ (85 кг)

Эрон

Алиреза ХЕИДАРИ (97 кг)

Эрон

Алиризо РИЗОИЙ (130 кг)

Совринга умид боғлаб

Тошкентдаги Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг алоҳида тайёрланган спорт залида «Микаса» совринни учун аёллар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнир қизғин давом этмоқда. Матбуот йиғилишларидан бирида Японияннинг Каноя шаҳридаги Миллий спорт институти жамоаси бош мураббийси Койджи Хамада саволларга жавоб бераётириб, Тошкентда илк марта уюштирилган халқаро мусобақанинг ҳар жиҳатдан талабга жавоб бериши, шароитларнинг муҳайёлиги, спортчиларнинг дам олиши, бўш вақтини мароқли ўтказиши учун имкониятлар етарли эканини мамнуниятлик билан эътироф этганди. Унинг фикрича, бундай мусобақа келажакда анъанага айланиши мумкин.

Ҳар куни иккитадан учрашув ўтказилмоқда. Биринчи бўлиб Япония ва Қозоғистон волейболчилари майдонга тушишганди. Бу ўйин Япония жамоаси фойдасига 3:1 ҳисобида ҳал бўлганди. Ишқибозлар Қирғизистон — Ўзбекистон волейболчиларининг учрашувига катта қизиқиш билан қарадилар. Ҳайтовур вакилларимиз уялтириб қўйишмади. Улар астойдил, уюшқоқлик билан баҳслашиб, 3:0 ҳисобида дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Қозоғистон — Қирғизистон учрашувида эса 2:3 ҳисоби қайд қилинди. Зеро, вакилларимизнинг иккинчи ғалабаси кўпчиликни мамнун этди. Уларнинг Россия жамоасини 3:1 ҳисобида доғда қолдиришлари бош совринга талабгорлик қилишимизга умидворлик уйғотмоқда. Ўйлаймизки, қизларимиз қолган учрашувларни ҳам кўтаринки руҳда ўтказиб, ишончимизни оқлашга ҳаракат қиладилар.

Ҳайдар НОСИРОВ

Чандиқ чирой бўладими?

Юзида чандиги бор ҳамкасбимиз бўларди. Шунчалар ўзига бу «нуқсон»и яраштардики, очиғи, чандиқсиз чеҳрасини ҳеч тасаввур этолмасдим. Лекин у доим мўйлов қўйиб беркитишга уринарди. «Чандиқ—эркакка жасурлик бахш этади» дейдилар. Жуда тўғри. Лекин аёлгачи? Ҳуснига ҳусн қўшармикин?

Йўқ, аёллар бундай «чирой» билан ҳеч келишолмаса керак. Хорижда, Европада кўп масалада биздан бошқача фикрлашади. Биз сочни узун десак, улар калтаси чиройли, қўйлакни узун деймиз, калта-мини мода дейишади. Бу бор гаплардир. Чандиқчи, юзни безармикин?

Испаниянинг Гранада шаҳарчасида яшовчи 19 ёшли Марио Патрис кўчада фалокатга учради. Уни мотоцикль уриб юборди. Қизнинг гўзаллигига путур етди, белида жароҳатдан яра изи қолди. Ўзи бу бахтсиз ҳодисани шундай изоҳлади: «Чиройимга соя ташлади!» Шундай даъво билан эҳтиётсиз ҳайдовчидан 25000 доллар талаб қилди. Дилбарлик учун қиз ҳайдовчини ҳеч тап тортмай судга берди. Судья ишни анча ўрганиб «зарар»ни 673 доллар баҳолади.

— Ҳуснингизга ҳечам зарар етмаган, — деди жиноий ишни кўраётган судья. — Чандиққа келсак, умуман кўзга ташланмайдиям. Фақат чўмилиш либосидагина кўринаркан. — Сўнг у яна «изни» диққат билан кўздан кечираркан секингина жабрланувчини тинчлантирган бўлди. — Агар билсангиз, бу чандиқ сизнинг қоматингизни янада жозибалироқ кўрсатиб турибди.

Марио даъвосидан кечиб, судьянинг фикрига тўла қўшила қолди.

Эҳ, аёллар, улар мағрибдами, машриқдами, эркакларнинг хушомади олдида дарров эриб кетадилар.

Бир чеккаси, чандиқ аёлларгаям чирой бўларкан-да.

Сахийа САЙХУН тайёрлади

Филлар ўлди. Навбат бошқа жониворларга...ми?

Бир пайтлар мақтовларга кўмилгувчи Термиз «Ҳайвонот боғи»нинг бугунги аҳволи қандай? Бориб кўринг... Юрагингиз муз тортади. Шўрлик ҳайвонларнинг аҳволи... Қисқаси, шижоати сўниб, шашти сусайган шер, йўлбарс, бўрининг қафасга суйкалиб титраб туришига ҳам кулгингиз, ҳам йиғлагингиз келади. Айиққа тузукроқ тикилсангиз, қўрққанидан орқага тисарилади. Бўри қулоғи тишланган кучукдай қимтиниб туради. Хуллас, йиртқичларда йиртқичлик сиёғи қолмаган.

Борни барбод қилдилар

«Ҳайвонот боғи»нинг ҳозирги аҳволи билан масъул, мутасадди кишилар умуман шуғулланмай қўйишган. Ҳайвонлар оч, овқат етишмайди. Шу боис, йилига 8-10 тур ҳайвонлар ўлиб кетаяпти. Бундан бир неча йил олдин иккита фил бўлгуси эди. Ажали биланми, бошқа сабабми, икковиям ўлди. «Ҳайвонот боғи» филсиз қолди. Фил бўлмаса «Ҳайвонот боғи»нинг қизиғи йўқ. Лекин бу ерга нега фил келтирилмаяпти, деган саволни кўндаланг қўйсак, егани нони йўғу, итининг отини маржон қўйибди, деган халқ киноясиэсга тушади. Чунки, «Ҳайвонот боғи»даги йиртқичларнинг ҳар бирига бир кунда 70 килограммдан гўшт берилиши керак. Бу меъёрида белгиланган. Бошқа ҳайвонлар, паррандалар назарда тутилганда эса 30-40 турдаги овқат берилиши жоиз. Бироқ, бериладиган маблағ йиртқичларнинг ўзига кетадиган овқатга ҳам етмайди. Қолган 30-40 турдаги овқат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Демак, ҳайвонлар қирилиб кетиш даражасида.

Ҳайвонларга меъёридаги овқатнинг 15 фоизгинаси бериляпти. «Ҳайвонот боғи»даги йиртқичнинг шашти қўённикидан паст бўлса, бу ерга томошага келаётган болакайлар ҳақиқий шер ўрнига ўламса бир ҳайвонми-ей, аллақандай ивирсиқ маҳлуқни кўришиб ҳайратга тушганликларига ажабланмаслик керак.

Термизда бугун «Ҳайвонот боғи» йўқ ҳисоби. «Ҳайвонот боғи» эмас, гангиган, ўз ажалини кутаётган, бемажол ҳайвонлар «қамоқхонаси» десак янглишмаймиз. Агар мутасадди ташкилотлар ҳозирдан ёрдам қўлини чўзишмаса, амалий чоралар белгилашмаса , боғдаги ҳайвонлар уволига қолишимиз тайин. «Ҳайвонот боғи» бугунги кунда Сурхондарё вилояти маданият ишлари бошқармаси тасарруфида . Бошқарма раҳбари жаноб Абдурасул Иброҳимов.

Боғ раҳбари Худойберди оға Махмудовнинг эса фиғони фалакка ўрлайди.

— Юқоридагиларга айтавериб чарчадим. Техника йўқ. Маблағ йўқ. Шароит йўқ. «Ҳайвонот боғи»ни зўрға шу аҳволда сақлаб турибмиз. Бу аҳволда ҳайвонлар қирилиб кетади. Ҳайвонларга ем-хашак етиштириладиган 31 гектар еримиз бор. 30 чақирим олисда. Бир кунда бир тележка ўт-ўлан олиб келамиз. Бориб келиш 60 чақирим. Бироқ, бир ойга бериладиган ёнилғи урвоғам бўлмайди. Кўриб турибсиз — ҳамма жой таъмирталаб. 60 йил бурун қурилган «Ҳайвонот боғи» таъмирга муҳтож бўлади-да.

Хуллас, шундай гаплар. Мамлакатимизнинг жануби — Термиздаги «Ҳайвонот боғи» бизнинг кўзўнгимизда йўқолиб, йитиб бораяпти. Эҳ, биз одамлар, агар боғдаги ҳайвонларни асрай олмасак, уларни тоғларга қўйиб юборайлик, қафасларни ланг очайлик. Тирикликнинг уволи ёмон. Тириклик билан бунчалар бешафқат ҳазиллашиш эвазига бир куни кўзимиздан иссиқ ёшлар тўкилиши муқаррарлигини ёдда тутайлик.

Қўчқор НОРҚОБИЛ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Оғунинг ортидан оҳ чекиб қолишди

Шу кунларда республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги ходимлари томонидан «Қорадори-99» тадбири қизғин давом этмоқда. Тадбир пайтида гиёҳвандлик жиноятлари билан боғлиқ бир қатор ҳолатлар аниқланмоқда.

Тадбир бошланганидан буён республикамиз бўйича 1,5 гектардан ортиқ майдондаги гиёҳванд моддалари бўлган ўсимликларни экиб, етиштириш ҳолатлари аниқланиб, 210 дан зиёд шахс шу турдаги ўсимликларни ноқонуний экиб ўстираётгани учун ушландилар.Жиноятчилардан 100 килограммдан зиёд гиёҳванд моддалар тортиб олинди.

Куни кеча Самарқанд вилояти ички ишлар идоралари ходимлари томонидан Тойлоқ тумани ДАН масканида Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳрида яшовчи 1948 йилда туғилган фуқаро Мамасодиқ Шарипов бошқарувидаги давлат белгиси п 21-32 ДБ бўлган КамАЗ русумли юк машинаси текшириб кўрилганида унинг ёнилғи сақлаш баки ичидаги махсус ясалган мослама ичига 57 килограммдан зиёд ўткир гиёҳвандлик моддаси ҳисобланмиш гашиш ва 9 килограмму 771 грамм қорадори, жами 67 килограммга яқин гиёҳванд моддалар яшириб қўйилганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Тошкент шаҳрида яшовчи муқаддам судланганлар 1958 йилда туғилган Шорасул Раҳимов ҳамда 1965 йилда туғилган Жалил Абдураҳмоновлар 1 килограммдан зиёд героин ва ярим килога яқин қорадори гиёҳванд моддасини 8 минг АҚШ долларига сотмоқчи бўлганларида қўлга олиндилар.

Ҳозир ушбу оғуфурушлар устидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ, ИИВ матбуот маркази ходими

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 1999 йил 10, 17, 29 июнь кунлари соат 11⁰⁰ да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги

КИМОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдога қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Андижон вилояти, Боғишамол туманида жойлашган 3 сонли АЁҚШ.

Бошланғич нархи — 3718,6 минг сўм.

2. Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Ўсмат қишлоғида жойлашган 9 сонли АЁҚШ.

Бошланғич нархи— 851,5 минг сўм.

3. Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида жойлашган 60 сонли АЁҚШ.

Бошланғич нархи— 2281,9 минг сўм.

4. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Ўзар қўрғонида жойлашган 61 сонли АЁҚШ.

Бошланғич нархи— 2246,4 минг сўм.

5. Самарқанд вилояти, Ургут шаҳрида жойлашган 79 сонли АЁҚШ.

Бошланғич нархи— 2206,6 минг сўм.

6. Наманган вилояти, Поп тумани, «Чиғаноқ» қўрғонида жойлашган 71 сонли АЁҚШ.

Бошланғич нархи— 6543,15 минг сўм.

Шунингдек, «Кулол» ҳиссадорлик жамияти, «Сув қурилиши» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 76-кўчма механизация колоннаси, «Шоҳруҳ» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорациясининг бош хўжалик бошқармасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари ҳам қўйилмоқда.

1. ЖУК-А-06 русумли, давлат рақами 37-04 ТШН бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 170,0 минг сўм.

2. ГАЗ-5312 русумли (автоцистерна) давлат рақами 94-52 ТШН бўлган 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 220,0 минг сўм.

3.ГАЗ-5307 русумли (автоцистерна), давлат рақами 38-40 ТШР бўлган 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 180,0 минг сўм.

4. Жигули ВАЗ-21063 русумли, давлат рақами 94-28 ТША бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 135,0 минг сўм.

5. ЗИЛ-431412 русумли (автокран), давлат рақами 66-89 ТШМ бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 226,0 минг сўм.

6. ЗИЛ 4502 русумли, давлат рақами 94-53 ТШН бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 380,0 минг сўм.

7. Москвич-412 ИЭ русумли, давлат рақами 92-79 ТША бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 97,0 минг сўм.

8. Волга ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами 03-50 ТШВ бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 450,0 минг сўм.

9. ГАЗ-5312 русумли (автоцистерна), давлат рақами 34-21 ТШР бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 330,0 минг сўм.

10. ГАЗ-5205 русумли, давлат рақами 96-03 ТНА бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 195,0 минг сўм.

11. ММЗ-4502 русумли, давлат рақами 56-41 ТНП бўлган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 173,0 минг сўм.

12.ГАЗ-5201 русумли (авторемлетучка), давлат рақами 45-46 ТНЛ бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 260,0 минг сўм.

13. «ДАМАС» ДЭУ русумли, давлат рақами Т 24-16 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич нархи— 470,0 минг сўм.

Мазкур автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари ва автотранспорт воситаларига қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 10-уй. Ўзбекистон Биржалар маркази биноси, 3-қават, 29-хона. Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75. Ички: 153,162. Факс: 136-26-26

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, «Голос Узбекистана» — 136-26-70, «Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳамид ИКРОМОВ*, навбатчи *Фаррух ҲАМРОЕВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Ҳамид БАХТИЁРОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004. Газета офсет усулида, А—2 форматда, 23.681 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0353

Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди - 2250

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА